

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОДЖИЕВА ДИЛБАР ТАДЖИЕВНА

**ИНСУЛЬТДАН КЕЙИНГИ ДЕМЕНЦИЯНИНГ КЛИНИК-
НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ВА НЕЙРОИММУНОЛОГИК ЎЗИГА
ХОСЛИГИ ВА ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавлениеа втореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Ходжиева Дилбар Таджиевна

Инсультдан кейинги деменциянинг клиник-нейрофизиологик
ва нейроиммунологик ўзига хослиги ва даволашни оптималлаштириш
масалалари..... 3

Ходжиева Дилбар Таджиевна

Клинико-нейрофизиологические и нейроиммунологические
особенности постинсультной деменции и вопросы оптимизации
терапии 27

Khodjjeva Dilbar Tajieвна

Clinical-neurophysiological and neuroimmunological peculiarities of post-
stroke dementia and optimization therapies..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОДЖИЕВА ДИЛБАР ТАДЖИЕВНА

**ИНСУЛЬТДАН КЕЙИНГИ ДЕМЕНЦИЯНИНГ КЛИНИК-
НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ВА НЕЙРОИММУНОЛОГИК ЎЗИГА
ХОСЛИГИ ВА ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.4.DSc/Tib396 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим тармоғига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Маджидова Якутхон Набиевна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Федин Анатолий Иванович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Мирджураев Элбек Миршавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Академик И.П.Павлов номидаги биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси).**

Диссертация ҳимояси Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51-уй.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Х. А. Акилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. Н. Убайдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гуфуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда узок йиллар давомида соғлиқни сақлаш соҳасида инсулт касаллиги муҳим тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. «...2015 йилда дунёда 24,3 миллион деменция ташхиси қўйилган беморлар қайд қилинган бўлса, уларнинг умумий таркибида томирлар деменцияси (ТД) билан оғриган беморлар кўрсаткичи 2-ўринда 8-33 %ни, 65 ёшдан ошганлар орасида ТД 1-4 %ни ташкил этиб, ҳар 5-10 йилда мазкур миқдор икки баробарга ошмоқда...»¹. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотларга кўра, «...инсултдан кейин яшаб қолган шахсларнинг фақат ярми ўзининг функционал мустақиллигини сақлаб қолади...»². Бош мия қон айланишидаги оғир ўзгаришлардан сўнг беморларнинг сезиларли қисмида когнитив бузилишларнинг турли даражалари юзага келади ва функционал тикланиш жараёни секинлашади. Инсулт билан касалланган беморларда касалликнинг такрорланиш хавфи юқори бўлиб, у кўп ҳолларда инсон ўлимига сабаб бўлиши мумкин. Биринчи ишемик инсултдан сўнг тикланиш давридаги когнитив бузилишларнинг сезиларли даражада ўсиши даволаш жараёнининг самарасиз кечишига таъсир қилади. Дунёда когнитив дисфункция ва деменциянинг ривожланишига «...метаболик синдромлар, артериал гипертензия, атеросклероз, қандли диабет, семириш, кичик томирлар касалликлари сабаб бўлиши кўпгина олимлар тадқиқотларида исботланган...»³. Популяцияда бош мия қон томир касалликлари билан боғлиқ когнитив функцияларнинг бузилиши, касбий, жамоат ва маиший соҳаларда юзага келувчи энг долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда инсултдан кейинги деменциянинг клиник нейрофизиологик ва нейроиммунологик ўзига хослиги ва даволашни оптималлаштириш юзасидан қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Инсулт билан оғриган беморларни эрта тикланиш даврида инсултдан кейинги деменциянинг клиник-неврологик ўзига хосликларини, инсултнинг эрта тикланиш даврида неврологик, нейропсихологик тестлар натижаларини таҳлил қилиш йўли билан когнитив фаолият ҳолатини асослаш муҳим аҳамиятга эга Бунинг учун беморларда клиник нейроиммунологик, нейропсихологик ва нейрофизиологик тадқиқотларни, когнитив чақирилган патенциаллар (КЧП) - Р-300, магнит-резонанасли томография (МРТ) ва МРТ-трактография маълумотларини таҳлил қилиш усули билан когнитив бузилишларнинг

¹Боголепова А.Н. Когнитивные функции у больных с кардиальной патологией: научное издание / А. Н. Боголепова, Е. Г. Семушкина, М. Ю. Смирнова, И. Ю. Грачева // Лечащий врач. - Москва, 2018. - №5. - С. 7-10.

²Боголепова А.Н. Роль сердечно-сосудистой патологии в формировании и прогрессировании когнитивных нарушений: научное издание /А. Н. Боголепова, Е. Г. Семушкина // Неврологический журнал. – Москва 2017. - №4. - С. 27-31.

³Боголепова А.Н. Роль сердечно-сосудистой патологии в формировании и прогрессировании когнитивных нарушений: научное издание /А. Н. Боголепова, Е. Г. Семушкина //Неврологический журнал. - Москва, 2019. - №4. - С. 27-31

микдорий тавсифини асослаш зарур. Neurofeedback дастурини қўллаган ҳолда, дори воситали ва дори воситасиз даволаш усулларини коррекциялаш ва клиник, нейроиммунологик ва нейрофизиологик маълумотларни кросс корреляцион таҳлили асосида сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун замонавий технологияларни қўллаш неврологик бузилишлари бўлган беморлар организмида юзага келувчи клиник ва профилактик ўзгаришларнинг ўзига хосликларини баҳолашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари асосида ривожлантириш, аҳолини турли қатламлари орасида бош мия қон айланиш касалликларнинг кескин кўпайиши ва сурункали касалликларни ҳамда унинг оқибатида юзага келадиган турли даражадаги соматик касалликларини самарали ташхислаш ва даволаш ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолардан биридир. Бу борада «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁴ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда аҳолининг саломатлик ҳолатини мустаҳкамлаш ва сурункали касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985 «Шошилич тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 30 августдаги «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–3925 – сон Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5590–сон Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵.

Инсульддан кейинги деменциянинг клиник-нейрофизиологик ва нейроиммунологик ўзига хослиги ва даволашни оптималлаштириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Colorado, University of Rochester Medical Center, University of California, University of Harvard, (АҚШ), University Department of Clinical Neurology, John Radcliffe Hospital, Oxford, Institute of Neuroscience, Newcastle University, (Буюк Британия); University of Edinburgh (Англия), University of Pavia (Италия), University of Murcia (Испания), University of East Anglia, Norwich (Буюк Британия); Punjab Agricultural University (Ҳиндистон); University Chang Gung (Тайван); University Peking (Хитой); Laboratory of Digital and Display Holography, ITMO University; Baikal Institute of Nature Management Siberian branch of the Russian Academy of sciences (Россия Федерацияси), Бухоро давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Инсульддан кейинги деменциянинг клиник-нейрофизиологик ва нейроиммунологик ўзига хослиги ва даволашни оптималлаштириш натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: инсульт ва инсульддан кейинги деменциянинг ривожланишига боғлиқ омилларни, касалликнинг кенг қамровли тизимли тарқалиши тартиби асосланган (Stroke Prevention Research Unit, University Department of Clinical Neurology, John Radcliffe Hospital, Oxford (Буюк Британия), DIFRID тартиби асосида деменцияларнинг асоратларини яхшилаш тизимлаштирилган University of East Anglia, Norwich (Буюк Британия); University Monash, Clayton, VIC, (Австралия), Peking University (Хитой); инсульддан кейинги деменциядан Butylcholinesterase зардобининг фаоллигини баҳоловчи биомаркерлар орқали Stroke аклий фаолиятининг пасайиши даражаси исботланган (Chang Gung University (Тайван); Австралияда инсультнинг клиник регистри асосида инсульддан кейин гипертензияга қарши дори воситаларининг фарқли хусусиятлари ўрни асосланган (University Monash, Clayton, VIC, Австралия, Peking University (Хитой); инсульт оқибатида томирли деменциянинг ва когнитив бузилишларнинг издан чиқиши гематоэнцефолик барьернинг зарарланиши оқибатида нейронларнинг атрофияси ва микромиролардаги ўзгаришлар натижасида юзага келадиган асоратларининг олдини олиш асосланган (Institute of Neuroscience, Newcastle University, (Буюк Британия); деменация ва инсультни ташхислашда неврологик хусусиятларни ўз ичига олган кўз гавҳарининг анатомик, эмбриологик ва физиологик кўрсаткичларини

⁵Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.uottawa.ca; www.ucalgary.ca; www.univ-nantes.fr; www.ufsc.br; www.uq.edu.au; www.fimmu.com; www.en.csu.edu.cn; www.cu.edu.eg; www.exeter.ac.uk; www.ncl.ac.uk; www.uottawa.ca; www.cgu.edu.tw; www.kcl.ac.uk; www.monash.edu; www.rushu.rush.edu; www.ion.uoregon.edu; www.cuhk.edu.hk; www.clneuro.ox.ac.uk; www.klinikum.uni-muenchen.de; www.iem.cas.cz; www.ucalgary.ca; www.unab.cl; www.ukbb.ch; www.unimelb.edu.au; www.nich.edu.pk; www.med.emory.edu; www.uni-tuebingen.de; www.alexu.edu.eg; www.ru.uj.edu.pl; www.kagawa-u.ac.jp; www.chuvsu.ru; www.sechenov.ru; www.liu.se; www.w3.sdu.edu.tr; www.umich.edu; www.unibo.it, sarah.pendlebury@clneuro.ox.ac.uk ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

баҳолашда мия фаолияти билан боғлиқлигининг ўхшашлик хусусиятлари асосланган (University of Hong Kong (Хитой), National University of Singapore, (Сингапур); Erasmus University Medical Center, Rotterdam (Нидерландия); метаболик синдромларда деменция ва когнитив дисфункциянинг патогенетик йўлларнинг ўрни ва ахамияти исботланган (Laboratory of Digital and Display Holography, ITMO University, Russian Federation); турли пестицидларнинг нейротоксик таъсири ҳамда организмдаги метаболик жараёнларни коррекцияловчи хусусиятлари исботланган (Baikal Institute of Nature Menagement Siberian branch of the Russian Akademy of sciences (Россия Федерацияси); бош мия пўстлоғининг шикастланиши натижасида септик зарарланишга мойиллик даражаси ривожланишини таъминловчи таъсир механизми асосланган (University of Calgary, Канада); инсультдан кейинги деменциянинг клиник нейрофизиологик ва нейроиммунологик ўзига хослиги ва даволашни оптималлаштириш тизими асосланган (Бухоро давлат тиббиёт институти).

Инсультдан кейинги деменциянинг клиник-нейрофизиологик ва нейроиммунологик ўзига хослиги ва даволашни оптималлаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда, жумладан, инсультнинг келиб чиқишига эндоген ва экзоген омилларни асослаш; эрта тикланиш даврида инсультдан кейинги деменциянинг клиник-неврологик ўзига хослигини асослаш; нейропсихологик тестлар натижаларини таҳлил қилиш йўли билан когнитив фаолиятини асослаш; инсультнинг эрта тикланиш даврида беморларда клиник-нейроиммунологик тадқиқотларнинг ўрнини баҳолаш; дори воситасисиз даволаш усуллари коррекциясини асослаш ҳамда инсультдан кейинги деменциянинг нейрофизиологик ва нейроиммунологик олдини олиш ҳамда даволаш усуллари такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бош мия қон томирлари шикастланиши кекса ёшли инсонлардаги когнитив бузилишларнинг энг кўп ва тез-тез учровчи сабаби бўлиб, сурункали етишмовчиликда когнитив фаолиятлар ҳолати бош мия шикастланишини намоён бўлиши билан корреляцияланади (Е.А. Антипенко, 2016). Когнитив бузилишлар меҳнат қобилиятин йўқотишга олиб келувчи марказий асаб тизимининг касалликлари орасида иккинчи ўринни эгаллайди (В.В.Захаров, 2016) ва тарқалган психологик бузилишлардан бири бўлиб ҳисобланади (М.Ю.Дробижев, Е.А.Макух, А.И.Дзантиева, 2017). Когнитив бузилишларнинг имкони қадар эрта аниқланишининг мақсадга мувофиқлиги шубҳа уйғотмайди, чунки мос бўлган даволашни ўз вақтида белгиланиши цереброваскуляар касалликлар башоратини сезиларли яхшилашга имкон беради (Н.Н. Яхно, 2013). Когнитив бузилишларга олиб келувчи барча неврологик касалликларни патогенетик даволашгача бўлган эрта клиник давридаги кўринишларини билишга эътибор қаратиш лозим. Шу билан боғлиқ ҳолда когнитив бузилишларнинг мавжудлигини, шунингдек уларнинг тавсифи ва генезини имкон даражасида эрта аниқлаш зарурдир (В.В.Захаров, И.Ю.Савушкин, 2011). Бош мия қон томирлари шикастланиши кекса ёшли шахслардаги когнитив бузилишларнинг энг кўп учровчи сабаби бўлиб ҳисобланади; сурункали

етишмовчиликда когнитив функциялар ҳолати бош мия шикастланишини намоён бўлиши билан корреляцион таҳлил қилинади (Е.А.Антипенко, 2016).

Ўзбекистонда турли касалликларнинг тарқалиши ва олдини олиш, аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларини бартараф этиш бўйича тиббий хизматлар кўрсатишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган (Б.М.Маматқулов, 2017); инсультнинг клиник-эпидемиологик тавсифи баҳоланган (Н.М.Алиханова, 2018), бош мияда қон айланишнинг ўткир бузилиши (БМҚЎБ)ни ўтказган беморларда ўртача когнитив бузилишлар ҳолати асосланган (Д.К.Хайдарова, 2016), аммо инсультдан кейинги ногиронлик, реабилитация, касалликнинг деменция олди ва деменция касаллигини ташхислашни ҳамда даволашни яхшилаш аспекти етарлича ёритиб берилмаган.

Ўзбекистонда инсульт касаллигининг олдини олиш ва уни даволашда кўпгина қўлга киритилган ютуқларга қарамадан, айрим масалалар тадқиқот доирасидан ташқарида қолмоқда. Жумладан, инсультдан кейинги деменцияли беморларни ташхислаш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган, когнитив етишмовчилик ривожланишининг олдини олиш мақсадида даволаш усуллари ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқотлар режаси бўйича «Бош мияда қон айланишини ўткир бузилишининг ишемик ва геморрагик инсультларни олдини олиш ва замонавий даволаш усуллари ишлаб чиқиш» (2016-2019 йиллар) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инсультдан кейинги деменциянинг клиник, нейрофизиологик, нейроиммунологик ўзига хослигини ва даволаш тактикасини тизимга солиш ва даволаш усуллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

БМҚАЎБ ишемик инсультдан кейинги эрта ва кечки тикланиш даврида касалликдан кейинги деменциянинг клиник-неврологик ўзига хосликларини баҳолаш;

инсультнинг эрта ва кечки тикланиш даврида неврологик нейropsихологик тестлар натижаларини таҳлил қилиш йўли билан когнитив фаолиятини белгилаш;

ишемик инсультнинг асоратидан кейинги деменциянинг эрта ва кечки тикланиш даврида беморларда МРТ ва МРТ-трактография хулосалари натижасида касалликнинг хусусиятларни аниқлаш;

инсультнинг эрта ва кечки тикланиш даврида беморларда клиник-нейроиммунологик тадқиқотларни ўрганиш;

КЧП-Р300 маълумотларини таҳлил қилиш усули билан когнитив бузилишларнинг миқдорий тавсифини таҳлил этиш;

когнитив бузилишларининг коррекциясида Neurofeedback дастурини

қўллаган ҳолда дори воситали ва дори воситасиз даволаш усулларини такомиллаштириш;

клиник, нейроиммунологик ва нейрофизиологик маълумотларнинг кросс корреляцион таҳлилини ўтказиш ва унинг аҳамиятини баҳолаш;

инсультдан кейинги деменция ва уни олдини олиш бўйича ташхислаш ва даволаш тизимининг алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2019 йилларда инсультдан кейинги эрта ва кечки тикланиш даврида бўлган Бухоро вилояти кўп тармоқли клиник шифохонаси ҳамда «Азизмед-Шифо» неврологик клиник касалхонасида даволанган 307 нафар бемор 4 гуруҳга: биринчи гуруҳ-30 нафар бемор, даволаш комплексида мемонтин (Алчеба томчилари) ва биологик қайтар алоқа – БҚА, (Neurofeedback) компьютер тизимли биологик бошқарув дастури. Иккинчи гуруҳ-30 нафар бемор, даволаш комплексида цитофлавин ва биологик қайтар алоқа – БҚА, (Neurofeedback) компьютер тизимли биологик бошқарув дастури; учинчи гуруҳ-30 нафар бемор, даволаш комплексида мемонтин (Алчеба томчилари) + цитофлавин дори воситаси ва биологик қайтар алоқа – БҚА (Neurofeedback) компьютер тизимли биологик бошқарув дастури; тўртинчи гуруҳни - анъанавий даволаш курси тавсия қилинган 35 нафар беморлар ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида инсульт ташхиси белгиланган беморларда деменция ва деменциядан олдинги бузилишларнинг ривожланиш жараёнини тизимли ўрганиш мақсадида нейромедиаторларнинг асосий оқсилларига аутоантителолар: NF-200, GFAP, S100, MAO, вольтажга боғлиқ бўлган Са-канал, глутамат рецепторлари, ГАМК рецепторлари, дофамин рецепторлари, серотонин рецепторлари, Н-холин рецепторлари баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда нейропсихологик, иммунологик, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

деменция олди бузилишлари, уларнинг ривожланиши ва деменцияга ўтишини назорат қилишга имкон берувчи, ҳаракатдаги чекланишлар ва неврологик етишмовчилик мавжудлиги фонида инсультдан кейинги эрта тикланиш даврида 60,6% беморларда когнитив бузилишлар, деменция олди бузилишлари 35,5%, деменция ҳолати 25,1% беморларда кузатилиб, нейропсихологик, нейровизуализацион ва иммунологик кўрсаткичлар орасидаги корреляцион боғлиқлиги асосланган;

иммунологик кўрсаткичлар нерв тўқималари оқсиллари NF200, GFAP, S100 оқсилларига антителоларнинг зардоб даражасини ва глутамат нейромедиатрлари, ГАМК, дофамин, серотонин, холин ва вольтажга боғлиқ бўлган Са-каналли миқдорини инсульт билан хасталанган беморларда ортиши деменция олди бузилишлари ва деменцияни ривожланишида башоратли мезон бўлиб, дори воситаларига жавоб параметрларининг башоратли аҳамияти асосланган;

инсультдан кейинги деменциянинг шаклланишида бевосита таъсир кўрсатадиган МРТ-трактография доирасида фракцион анизотропия ва Р300

акустик когнитив чақирган патенциалларнинг кўрсаткичларини маълум ўзгариш поттернлари мавжуд бўлиши ҳамда мувозанатининг бузилиш тартиби исботланган;

нейропротекция ва компютер тизими таркибидаги биологик қайтар алоқа терапиясида инсультдан кейинги деменциянинг айрим таркибий қисмлари ижобий динамикаси аниқланган;

инсультдан кейинги когнитив бузилишлар кўрсаткичлари бўйича мемонтнинг самарадорлиги ва дори воситаси таъсирнинг когнитив етишмовчиликда ҳамда касаллик ривожланиши ва томир деменциясига ўтишнинг пасайиши механизми исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

инсульт билан хасталанган беморларда оқсиллар ва нейромедиаторларга қарши антителолар иммун тизими фаолиятини кучайтирувчи индексининг тарқалиш шакллари ушбу гуруҳ беморларининг инсультдан кейинги деменцияни ривожланиш патогенезининг молекуляр механизмлари нуқтаи назаридан ушбу гуруҳда бир хилда эмаслиги баҳоланган;

деменция олди бузилишларни ташхислаш ва даволаш ҳамда уларни томирли деменцияга ўтишининг олдини олиш алгоритми ишлаб чиқилган;

когнитив етишмовчиликда клиник-нейровизуализацион паралеллар асосланган;

MPT билан бир қаторда инсультдан кейинги деменцияни шаклланишига таъсир этувчи, бош миянинг муҳим бўлимларидаги тузилмавий-морфологик ўзгаришларнинг мавжудлигини баҳоланган.

MPT-трактография доирасида фракцион анизотропия кўрсаткичларига тавсиф берилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, нейропсихологик, иммунологик, инструментал ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, инсультдан кейинги деменциянинг клиник-нейрофизиологик ва нейроиммунологик ўзига хослиги ва даволашни оптималлаштириш натижалари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, инсультдан кейинги деменциянинг шаклланиши кўп омилли жараён бўлиб ҳисобланади. Бунда касалликнинг ўзи кенг қамровли клиник кўринишларга эга бўлиб, уларнинг патогенезида клиник, нейрофизиологик, тузилмавий-морфологик ва иммунологик ўзгаришларнинг турғун ўзаро алоқаси, шуннингдек, когнитив бузилишларнинг ривожланиш режасида энг нохуш башорат ва уларнинг инсультдан кейинги деменцияга ўтиши инсультдан кейинги эрта даврдаги беморларда ташхислаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти S100, GFAP, MAO, NF-200

оксилларига антителоларнинг зардоб даражасини ва глутамат нейро-медиатрлари, ГАМК, дофамин, серотонин, холин ва вольтажга боғлиқ бўлган Са-каналли микдорини инсулт билан оғриган беморларда ортиши деминция олди бузилишлари ва деменциянинг ривожланишида башоратли мезон бўлиши асосланган. Шунингдек, дори воситалари қўлланилганда жавоб параметрларининг башоратли аҳамиятини тизимлаштирилган ҳолда инсултдан кейинги эрта тикланиш даврида когнитив етишмовчиликни даволаш усуллари такомиллаштирилди. Бу билан томирли деменцияга ўтишнинг олдини олишга, шунингдек, даволаш учун бўладиган иқтисодий сарф-харажатларини қисқартиришга эришилгани изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инсултдан кейинги деменциянинг клиник-нейрофизиологик ва нейроиммунологик ўзига хослиги ва даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий тадқиқотлар асосида қуйидагилар ишлаб чиқилди в амалиётга жорий этилди:

«Бош миянинг сурункали қон-томир касалликларида ўртача когнитив бузилишларни ташхислаш усули» бўйича Ўзбекистон Республикасининг ихтиро патенти олинган (№IAP 20140196). Ушбу усул бош миянинг сурункали қон-томир касалликларида ўртача когнитив бузилишларни ташхислашга имкон берган;

«Neurofeedbackни қўллаш ёрдамида когнитив бузилишларни коррекция қилиш усуллари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 8н-д/219-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома даволашнинг иқтисодий, тиббий ва ижтимоий самарадорлигини оширишга, беморларни даволашда кам сарф-харажатни талаб этадиган ва инсултдан кейинги деменциянинг ривожланиш хавфини 1,5 мартага қисқартиришга ҳамда беморлари ҳаёт сифатини яхшиланиш имкон берган;

«Инсултнинг эрта тикланиш даврида томирли когнитив бузилишларни даволашнинг оптималлаштирилган усуллари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 8н-д/219-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома инсултдан кейинги деменциянинг ривожланиш хавфини 1,5 мартага пасайтириш ҳамда даволашда сарф-харажатлар микдорини қисқартириб, беморларининг ҳаёт сифатини 1,8 мартага яхшилаш имконини берган.

«Инсултнинг эрта тикланиш даврида деменцияни ташхислаш усуллари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 8н-д/219-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома инсултдан кейинги даврида деменция олди бузилишлари кузатилган беморларда ушбу ҳолатнинг ривожланиши ва беморларнинг эрта ногиронлигининг олдини олиш тактикаси ва амалиётда қўллашга тавсия этилган.

инсултдан кейинги деменциянинг клиник нейрофизиологик ва нейроиммунологик ўзига хослиги ва даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш соҳаси амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт клиник касалхонаси, Бухоро давлат

тиббиёт бирлашмаси, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали, Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникаси, Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббёт марказининг клиник амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 13 декабрдаги 8н-з/233-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши орқали беморларнинг инсултдан кейинги даврида жисмоний ва рухий мослаша олмаслигини 1,3 мартага пасайтириш, уларнинг ижтимоий фаоллик даражасини 1,6 мартага ортишига, кейинги деменциянинг ривожланиш хавфини 1,5 мартага пасайтиришга ҳамда беморлари ҳаёти сифатининг 1,8 мартага яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 206 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Инсултдан кейинги деменциянинг клиник-нейрофизиологик ва нейроиммунологик ўзига хослиги ва даволашни оптималлаштириш»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда инсулт касаллигининг этиологияси, патогенези, ташхислаш ва даволаш ва профилактика усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг **«Инсултдан кейинги деменциянинг клиник-нейрофизиологик ва нейроиммунологик ўзига хослиги ва даволаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида мазкур тадқиқотда

қўлланилган материаллар ва усуллар тавсифланган. Беморларни кузатиш ва даволаш курсларини олиб бориш 2016 -2018 йилларда Бухоро вилояти кўп тармоқли клиникасининг неврология бўлимида ва «Азизмед-Шифо» неврологик, клиник касалхонасида ўтказилди. Жами 307 нафар инсультдан кейинги эрта тикланиш давридаги беморлар текширилиб, улардан 109 нафарини (35,5%) когнитив бузилишлар ва 77 нафарини (25,1%) турли оғирлик даражасидаги томирлар деменцияси бўлган беморлар ташкил этди. Эркаклар 59,0 %ни, аёллар эса 41,0 %ни, эркакларнинг ўртача ёши - $65,3 \pm 7,63$ ни, аёллар эса $76,3 \pm 6,17$ ёшни ташкил этди. Томирлар деменцияси ва унинг клиник шакллари ташхислашда умумқабул қилинган мезонлар қўлланилди. «Томирлар деменцияси ташхиси ХКТ-10 (1993) мезонларига мос ҳолда, F01 – томирлар деменцияси рубрикаси остида ўрнатилди. Томирлар деменцияси типлари ости талабларига мос ҳолда клиник шаклларнинг ташхиси ўтказилди. Беморларни клиник текширишда соматик ва неврологик статусни ўз таркибига олган ҳолатнинг оғирлиги, инсультдан кейинги деменцияли беморларда неврологик етишмовчилик ўчоқларини намоён бўлишини объективлаштириш учун Саломатлик миллий институтининг инсульт шкаласи (NIHSS)ни қўлладик. Деменцияли беморларда когнитив бузилишларни объективлаштириш учун психометрик шкалаларни қўллаш билан майда қисмларгача нейрпсихологик текширишлар: пешона дисфункция батареяси, когнитив фаолиятни баҳолашнинг монреал шкаласи (MoCA), неврологик етишмовчилик тести, инсультнинг оғирлик NIH-NINDS (National Institute of Health –National Institute of Neurological Disorders and Stroke), Бартель ва Рэнкеннинг шкаласи кундалик ҳаёт фаолият шкаласи ўтказилди. Тадқиқотнинг нейровизуализацияси кузатишларни бошланишидан олдин, деменцияли барча беморларда бош миянинг магнит-резонанс томографияси, шунингдек кузатишлар бошлангунгача бўлган 12 ой давомида бажарилган МРТ натижалари ҳисобга олинди.

Барча кузатилган беморларнинг қон зардоби намуналарида, шунингдек клиник соғлом шахслар қон намуналарида, нерв тўқималари оқсиллари NF200, GFAP, S100, MAO, В-зав, Са-канал, Хол-Р, Глу-Р, ГАМК-Р, DA-Р, Сер-Р, ДНК, Б2, ГП га қаратилган (назорат гуруҳи– $n=16$) IgG синфи нейротроп аутоантителоларининг зардоб иммунореактивлигини миқдорий аниқлаш ўтказилди. Моддалар миқдорини аниқлаш Полетаева А.Б. (1988; 1995; 2007) усули бўйича ЭЛИ-Н-Тест ва «Иммункулус» МИЦ (Россия) ишлаб чиқарган шу номли тест-жамланма, қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил ўтказишнинг стандарт муолажаси ёрдамида ўтказилди.

Инсульт оқибатларини тикланишида ОО «Компьютер тизимли биологик бошқарув дастури» томонидан ишлаб чиқилган «БОС-ЛАБ» аппарат-дастур комплекси қўлланилди. Қайта тикланиш жараёнини даволовчи шифокор масофадан туриб бошқаради: ҳар бир машғулотдан сўнг чизмалар ва диаграмма кўринишидаги физиологик параметрларнинг қайд этилган барча маълумотлари «МИЦАР-БОС» махсус дастури ёрдамида баҳоланади. Ушбу маълумотлар асосида шифокор юкламани тўғирлаб боради, зарурат бўлганда эса бемор томонидан тузатиш амалга оширилади.


Даволаш динамикаси инсультдан кейинги тикланиш даврида бўлган 125 нафар беморда баҳоланди. Ўтказилган даволаш типига боғлиқ ҳолда беморлар 4 гуруҳга бўлинди: 1 гуруҳ-30 нафар бемор, 40 кун давомида цитопротектор Цитофавин ва Neurofeedback билан икки босқичли даволаш қабул қилган беморлар; бунда 10, 0 мл цитофлавин дори воситасини 5%ли 200,0 мл ли глюкозада суюлтирилди ва 10 кун давомида томчилаб томир ичига юборилди, сўнгра 30 кун давомида кунига 2 марта 2 таблеткадан цитофловин буюрилди. 2 гуруҳ-30 нафар бемор, мемонтин (Алчеба томчилари) ва Neurofeedback дори воситаларини 30 кун давомида икки босқичда қабул қилган гуруҳ. Кунлик энг юқори миқдор 40 мг.ни ташкил этади. Ножўя самара ҳавфини камайтириш мақсадида ушлаб турувчи дозага эришиш учун дастлабки 3 ҳафта давомида титрлашни оширишни 5 мг.гача қуйидаги ҳолатда амалга оширилади: даволашнинг биринчи ҳафтаси давомида (1-7 кунлар), 5 мг/кун миқдорда (10 томчидан) 7 кун давомида; иккинчи ҳафтаси давомида (8-14 кунлар), 10 мг/кун миқдорда (20 томчидан) 7 кун давомида; учинчи ҳафтаси давомида (15-21 кунлар), 15 мг/кун миқдорда (30 томчидан) 7 кун давомида; тўртинчи ҳафтаси давомида, 20 мг/кун миқдорда (40 томчидан) буюрилади. 3 гуруҳни ҳам Алчиба, Цитофловин ва Neurofeedback ни комплекс ҳолда қабул қилган 30 нафар бемор ташкил этди (30 нафар бемор); 4 гуруҳга даволашнинг базис усули қўлланилган 35 нафар беморлар киритилди. Беморлар гуруҳи ўзаро таққосланиб, кузатишлар 36 ой олиб борилди.

Статистик кўрсаткичлар ишончилигини баҳолаш учун тўртта асосий даража қабул қилинди: юқори- $P < 0,001$, ўрта - $P < 0,010$, паст (чегарадаги) - $P < 0,050$, сезиларсиз (ишончли эмас)- $P > 0,050$. Корреляцион алоқани аниқлаш учун Кэнделл усули қўлланилди, баҳолаш эса унинг (белгининг) абсолютга йўналганлигини ҳисобга олиб ўтказилди.

Диссертациянинг «**Инсультдан кейинги деменцияли шахсларда ишемик инсультнинг параклиник ва клиник неврологик ўзига хосликлари**» деб номланган учинчи бобида клиник ва инструментал текшириш усуллари натижаларига тавсиф берилган. Ишемик инсультдан кейинги даврида деменция ва деменция олди бузилишлари бўлган беморларда касалхонага келиб тушган вақтида олиб борилган кузатишлар натижасида бош миядаги умумий бузилишлари 80,8%; мияча етишмовчилиги 81,8%; гемипарез—65,2%; нутқ бузилиши-59,7% ҳолатда намоён бўлади. Когнитив етишмовчиликда ИИли беморларда олиб борилган нейропсихологик тадқиқотлар натижасида аниқландики, маиший мослашишининг энг паст даражаси (Бартель шкаласи бўйича) ва инсульт оғирлигининг юқори даражаси (NIH-NINDS шкаласи бўйича) деменция ва деменция олди бузилишлари кузатиладиган беморларда аниқланади (1-расм).

Рэнкин шкаласи бўйича баҳоланган инсульт якунининг оғирлигида кўрсаткичлар инсультдан кейинги беморлардаги деменция ва когнитив бузилишларнинг мавжудлигига боғлиқ ҳолда ўзига хос фарқ эга бўлди, деменцияли беморларда бу кўрсаткичлар когнитив бузилишли ва бузилишсиз беморларга нисбатан ишончли равишда юқори бўлди

Миянинг пешона пўстлоқ ости бўлимлари функциялари ҳолатини акс эттирувчи FAV шкаласи бўйича кўрув-бўшлиқ жараёнларини, чакка бўлимнинг медиобазал функцияларини тавсифловчи вазифаларни бажаришдаги, шунингдек, деменцияда намоён бўлиши қайд этилган бош мия пўстлоқ ости–пешона боғламларининг қизиқишида мос келмаслик қайд этилган.



1-расм. Деменция ва деменция олди бузилишлари мавжудлигига боғлиқ ҳолда текширилган беморларда NIH-NINDS Бартель шкаласининг кўрсаткичлари

MoCA тестида когнитив бузилишларсиз бўлган инсультдан кейинги беморлар гуруҳида бош мия соҳасини стимуллаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган хотира ва диққат субшкаллари бўйича яхши натижаларга эришилди, деменцияда эса бу кўрсаткичлар ёмонлашганлиги аниқланди. Шундай қилиб, кундалик фаолиятдаги чекланишлар ва неврологик етишмовчилик мавжудлиги фонидан инсультдан кейинги эрта тикланиш даврида 60,6% беморларда когнитив бузилишлар ўз ўрнига эга бўлди, деменция олди бузилишлари кўринишида эса 35,5% ва деменция ҳолати 25,1% беморларда кузатилди. Ҳар икки гуруҳдаги 172 нафар беморда ультра товушли доплерография (УТДГ) ўтказилди, улардан когнитив бузилишларсиз ишемик инсультли (ИИ)ли 87 нафар бемор ва 85 нафар бемор ИИли деменция олди ва деменцияли беморлардир. ИИли беморларда интракраниал магистрал қон томирларидан ошмиш белгилари, кичик калибрли артериялар вазоспазмнинг билвосита белгилари билан томир деворлари эластиклигини пасайиши, турли даражада намоён бўлган стеноз жараёнлари аниқланди, бу эса бош мия қон айланиши бузилишини тавсифловчи белги бўлиб ҳисобланади. 10 нафар (33,4%) беморда стенозланиш даражаси критик белгиларга етди. Мазкур гуруҳ беморларида Пурсло индексининг (40%гача ортиши) ва Гослинг индексининг (70%дан кўп) бўлиши статистик жиҳатдан ишончлилиги ортди, бу қон оқими ва периферик қаршиликни ва брахицефалик ўзак регидлигини ошганлигидан гувоҳлик беради. ИИли 77 нафар беморда МРТ текширувида,

ишемик ўчоқлар когнитив бузилишларсиз субкортикал 22 (71,0%), перивентрикуляр - 9 (29,0%), деменция олди ва деменцияли беморлар орасида мос ҳолда - 18 (39,1%) ва 28 (60,9%) ҳолатда учради. Базал ядроларда ўчоқларнинг мавжудлиги: 21 нафар (67,7%) когнитив бузилишларсиз бўлган беморларда базал ядролар проекциясида ўчоқлар мавжудлиги, 10 нафар (32,3%) беморда эса ўчоқлар аниқланмади. 14 нафар (30,4%) деменция ва деменция олди бузилишлари бўлган беморларда базал ядроларда ўчоқлар кузатилди, 32 нафарида (69,6%) аниқланмади. Деменция ва деменция олди бузилишлари бўлган беморларда: якка ўчоқлар -14 нафар (30,4%), ўртача - 21 нафар (45,7%), кўп сонли - 11 нафар (23,9%) ҳолатларда кузатилди. Натижалар ишончли эмас, яъни ўчоқлар сони бўйича фарқлар аниқланмади. Майда ўчоқлар когнитив бузилишларсиз бўлган 13 нафар (41,9%) ва деменция ва деменция олди бузилишлари бўлган 34 нафар (73,9%) беморда кузатилди ($P<0,01$). Йирик ўчоқлар мос равишда - 18 (58,1%) ва 12 (26,1%) аниқланди ($P<0,01$). Нейровизуализация жараёнида биз T2 режимида лейкоариознинг умумий майдонини ҳисоблаб, когнитив бузилишларсиз бўлган беморларда $8,6\pm 1,2$ см², деменция олди ва деменция бузилишли беморларда эса $-3,5\pm 0,5$ см² ($P<0,001$). Когнитив бузилишларсиз ИИли беморларнинг 12 нафарида (38,7%) лейкоариознинг маҳаллийлиги 19 (61,3%) эса бир-бирига кўшилувчи диффуз ҳолатда кузатилди. Деменция ва деменция олди бузилишлари бўлган ва ИИли беморларнинг 8 нафарида (17,4%) лейкоариоз ўчоқлари аниқланмади, 31 нафарида (67,4%) да эса у маҳаллий ($P<0,05$), 7 нафарида (15,2%) бир-бирига кўшилиб кетувчи диффуз ҳолатда кузатилди ($P<0,001$). Деменция ва деменция олди бузилишлари бўлган ИИли 18 нафар (39,1%) беморларда лейкоариознинг ёнбош жойлашуви қайд этилди ($P<0,01$). 11 нафар (23,9%) беморда ўчоқлар олдинги жойлашувда аниқланган ($P<0,01$), 9 нафарида (19,6%) орқа соҳада жойлашган. Юқорида кўрсатилганидек, 8 нафар (17,4%) беморда лейкоариоз учрамади ($P<0,01$). Биз, ИИли 60 нафар асосий ва назорат гуруҳидаги беморларни ўргандик. Когнитив бузилишларсиз ИИли беморларда фракцион анизотропиенни ўзгаришини таҳлили, пасайган анизотропия билан соҳаларни махсус тақсимланишини, ушбу гуруҳ беморларида ички капсуланинг олд соҳасида, пешона бўлмаларининг оқ моддасида, қадоқсимон танада ва базал ядроларида (таламус, қора субстанция) анизотропиянинг пасайиши аниқланди.

Жами 60 нафар текширилганларнинг 51 нафарида (85%) анизотропия фракциясининг экстрапирамидал тизим ўтказувчи йўллари ва ҳаракат тизими ўтказувчи йўллари бўйича пасайиши ва сезги тизимининг ўтказувчи йўлларидаги аналогик ўзгаришлар қайд этилмади.

Биз, пешона бўлагининг оқ моддасида, қадоқсимон тана проекциясида, базал ядролардаги фракцион анизотропия кўрсаткичларида фарқлар аниқланмадик, бунда анизотропия коэффицентининг пасайиши деменция ва деменция олди бузилишлари бўлган беморларда юқори бўлди. Кўрсатилган соҳаларда оқ модда ўзгаришини яққол намоён бўлган даражасини аниқлаш учун фракцион анизотропия коэффиценти ўрганилди. Натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Деменциянинг ривожланишига боғлиқ ҳолда когнитив бузилишларсиз ИИли беморларда фракцион анизотропия кўрсаткичларини қиёсий таҳлили

Бош мия бўлимлари	Когнитив бузилишсиз ИИли беморлар (n=34)	Деминация олди ва деминацияси бузилишларсиз ИИли беморлар(n=26)	Назоратгурухи (n=10)
Бош мия пешона қисми олдинги бўлагининг оқ моддаси	0,416±0,012*	0,412±0,011*	0,453±0,012
Қадоқсимон тана	0,738±0,014	0,644±0,051**	0,788±0,021
Ярим овал марказ	0,467±0,072	0,358±0,027*	0,476±0,050
Пастки бўйлама тутам	0,449±0,048	0,447±0,039	0,451±0,038
Таламус	0,309±0,041	0,305±0,064	0,312±0,021

Изоҳ: * - фарқлар когнитив бузилишларсиз гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01)

1-жадвалдан кўришиб турибдики, деменция ва деменция олди бузилишлари бўлган ҳамда ИИли беморлар гуруҳида пешона бўлагининг оқ моддасида, яримовал марказда, қадоқсимон танада ва таламусда фракцион анизотропия кўрсаткичларининг янада яққол пасайиши кузатилди (ўрта пешона эгрилигидан ўтувчи, тола проекцияларига асосий урғу берилиши билан). Бошқа соҳаларга кўра, фоиз бўйича юқори (9,1 %дан то 8,1 %гача мос ҳолда) фоизларда намоён бўлган пешона бўлаги ва қадоқсимон тананинг оқ моддасида аниқланган фракцион анизотропия коэффициентининг бошқа соҳалардагига нисбатан пасайиши мазкур тузилмаларда нейродегенератив жараённинг ривожланиш хавфидан далолат беради. Бу эса аксарият муаллифларнинг маълумотлари бўйича турли генезли деменциянинг патогенезида асосий бўлган ҳисобланади.

Нейропсихологик статус шкаласи ва фракцион анизотропия коэффициент кўрсаткичларини баҳолашни ўзаро таққослашда улар ўртасида статистик аҳамиятли корреляция аниқланди. Боғлиқликнинг кучли тескари алоқаси барча нейропсихологик тестлар бўйича ИИли беморлар орасида ва бош мия пешона бўлагидаги оқ моддасида фракцион анизотропиянинг пасайиши аниқланди, бу айниқса деменция ва деменция олди бузилишлари мавжуд бўлган беморларда кузатилди. Кучсиз корреляцион тескари боғлиқлик когнитив етишмовчилик мавжудлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бош мия яримовал марказида фракцион анизотропия кўрсаткичларини пасайиши билан ўрганилди. Бош миянинг бошқа бўлимларига нисбатдан, фоиз даражаси бўйича юқори бўлган (5,2%дан то 5,9%гача мос ҳолда) нисбатда намоён бўлган пешона бўлаги ва қадоқсимон танадаги оқ моддада аниқланган анизотропиянинг фракцион коэффициентини пасайиши, ушбу тузилмаларда нейродегенератив жараёнларни ривожланиш хавфи борлигидан

дарак беради.

КЧП кўрсаткичларининг таҳлилида меъёр билан солиштирилганда ЛП КЧПни статистик ишончли узайишни қайд этди, бу нейродинамик бузилишларни нейрпсихологик тадқиқ қилишни аниқлаш билан корреляция қилинади. Когнитив етишмовчиликсиз ИИли беморлари N200 пик параметрлари бўйича меъёридан фарқ қилади (вербал стимуляцияда бошнинг тепа бўлимларидаги N200 пик амплитудаларининг ва новербал стимуляциянинг пешона бўлимларида янада юқори белгилари қайд этилди). когнитив бузилишларсиз ИИли беморлардаги вербал стимуляцияда бошнинг тепа бўлимларидаги N200 пик амплитудасини янада юқори белгиларини меъёр билан солиштириб нейрпсихологик маълумотлар билан комплекс ҳолда баҳолаш керак. Мазкур ҳолатда N200 пик амплитудасини ошиштирилган стимулни тан олиш жараёнларини бузилиш белгиси бўлиб, уни хотирада намуна билан қиёслаш, ушбу гуруҳ беморларида хотирани бирламчи тавсифланувчи бузилиши билан бирга келади. Когнитив бузилишларсиз бўлган беморларда вербал когнитив вазифаларни мураккаблашишида N200 пикининг ЛП таҳлили кўрсатдики, N200 пикининг ЛПси деменция ва деменция олди бузилишларида ўзгаришсиз ҳолда қолди. Балки, когнитив ўзгаришларсиз ИИли беморларда когнитив жараёнларни нейродинамик таркибий қисми ва фикрлаш операцияларининг тезлиги деменция ва деменция олди бузилишлари бўлган беморларга нисбатан солиштирилганда кам даражада азият чекади. Когнитив етишмовчиликсиз беморлар гуруҳидаги деменция бузилишлари ва ИИли беморлардан фарқли равишда P300 амплитудасининг бир текис тақсимланиши қайд этилди.

Мураккаб оғзаки тестда вербал когнитив етишмовчилиги бўлмаган беморларда МП 3, P300 чўққиси кузатилган. Бир томондан, бу ҳақиқат босқичли жараённинг намоиши бўлиши мумкин (аксарият ҳолларда АД фронтал бўлаклари патологик жараёнга миянинг бошқа қисмларига қараганда кечроқ киради ва когнитив бузилишнинг ривожланиш босқичида миянинг фронтал қисмларида МП3 нинг сақланиб қолиши мумкин). Бошқа томондан, P300 чўққиси фронтал соҳаси амплитудасининг ортиши такрорий стимулни таниб олиш билан боғлиқ бўлган бузилишларни ва натижада яшаш жойи ҳодисасининг бузилишини акс эттириши мумкин.

Деменция ва деменция олди бузилишларида КВПнинг яширин даврларида кўпайиш қайд этилди, бу нейрпсихологик тадқиқотлар давомида аниқланган нейродинамик касалликларга тўғри келади. Корреляцион таҳлил олиб бориш шуни кўрсатдики, когнитив номуносиблик билан ИИ бўлган беморларда нейрпсихологик тестларнинг барча кўрсаткичлари ва N200 ва P300 кўрсаткичлари билан корреляциялар кузатилди. Энг аниқ корреляцион алоқалар инсултдан олдинги ва деменция билан оғриган беморларда кузатилган. Гуруҳлар орасидаги аниқланган фарқлар субдоминант ва доминант бош мия ярим шарларини ўз ичига олган ИИ билан оғриган беморларда, эҳтимол, нейродегенератив жараённинг параллел ривожланиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг «Ишемик инсулт билан хасталанган бемор-

ларнинг нейроиммунологик кўрсаткичлари» деб номланган тўртинчи бобида инсультдан кейинги деменция ривожланишининг таъсири тасвирланган. Тадқиқотлар клиник жиҳатдан соғлом одамларда (назорат гуруҳи) белгиланган кўрсаткичлар қўйидагича тақсимланди: ААТ S100 – $77,5 \pm 7,6$ ш.б., ААТ GFAP – $57,9 \pm 5,7$ ш.б., ААТ NF-200 – $72,9 \pm 7,1$ ш.б., ААТ миелиннинг асосий оқсили – (MAO) – $58,8 \pm 5,5$ ш.б. Иммунологик тадқиқот натижаларини баҳолаганда, беморларнинг иккала гуруҳи ҳам назорат гуруҳидан ўрганилган иммунологик параметрларнинг даражаси ва ўзгарувчанлик даражаси бўйича фарқ қилишлари аниқланди. Бундан ташқари, иммунитетнинг бузилиши табиати когнитив етишмовчиликнинг мавжудлигига бевосита боғлиқ эди. 1- ва 2-гуруҳ беморларининг кўрсаткичларини «ички стандарт зардоб» маълумотлари билан таққослаганда, барча аниқланган нейроспецифик оқсилларга нисбатан аутоантитаначаларнинг даражалари сезиларли даражада ошганлиги аниқланди. Ўрганилаётган аутоантитело – (ААТ)энг юқори даражаси S100 дан иккала гуруҳда ҳам энг юқори бўлди, 1-гуруҳ беморларида бу кўрсаткич ўртачада 1,6 баравар ($P < 0,01$), 2-гуруҳ беморларда 1,9 мартага ($P < 0,05$) ошди. Бир вақтнинг ўзида 2-гуруҳда ААТ маълумотларининг 1-гуруҳ билан таққослаганда сезиларли ўсиши кузатилди ($150,3 \pm 11,8$ ш.б.га аналогик тартибда $124,1 \pm 4,6$ ш.б., $P < 0,05$). NF200 оқилининг ААТ даражасини таҳлил қилиш иккала гуруҳдаги беморларда ҳам титрларнинг сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди (1-гуруҳда ўртача 1,7 марта ва 2-гуруҳда мос равишда 1,3 марта ($P < 0,05$)). Шу билан бирга, 1-гуруҳ беморларида NF200да ААТнинг даражаси сезиларли даражада устунлиги кузатилди ($121,8 \pm 8,2$ ш.б.2 гуруҳга нисбатан $97,6 \pm 8,9$ ш.б., $P < 0,05$). Нейроспецифик MAO оқилига ААТ зардобининг даражаси иккала гуруҳдаги «ички стандарт зардоб» кўрсаткичларидан сезиларли даражада ошди (1-гуруҳдаги беморларда ўртача 1,7 марта ($P < 0,01$)) ва 2-гуруҳ беморларида мос равишда 1,3 марта), ($P < 0,05$)), бир вақтнинг ўзида 1-гуруҳ беморларида 2-гуруҳ беморларига нисбатан ўртача кўрсаткичдан 1,3 баравар кўп ($78,8 \pm 7$ ш.б.га нисбатан $102,4 \pm 8,0$ куб, ш.б., ($P < 0,01$)). GFAPдаги ААТ зардобининг даражаси ААТ дан MAO даражасига тенг бўлиб, 1-гуруҳ беморларида $102,5 \pm 8,3$ ш.б., 2-гуруҳ беморларида $80,4 \pm 7,2$ ш.б. ташкил этиб, назорат гуруҳининг кўрсаткичларидан мос равишда ўртача 1,8 ($P < 0,01$) ва 1,4 марта ($P < 0,05$) мос равишда ошган. Гуруҳлар ўртасидаги таққослама таҳлил, шунингдек, 1-гуруҳ беморларида ААТ 2-гуруҳга нисбатан 1,3 баравар ($P < 0,05$) ошган. Шунини таъкидлаш жоизки, GFAP индивидуал астроцитлар ва умуман марказий асаб тизимининг нормал ишлашини таъминлашда асосий ўрин эгаллайди. Унинг таркибини ўзгартириш асаб тизими касалликларида клиник аҳамиятга эга.

Глутамат, ГАМК, дофамин, серотонин, холин ва кучланиш даражасига боғлиқ бўлган волтажга боғлиқ бўлган Са-каналининг ўзига хос антигенларининг миқдор даражасини ўрганиш натижалари назорат гуруҳида ушбу кўрсаткичлар қўйидагича тақсимланганлигини кўрсатди: ААТ GLU – $57,2 \pm 4,9$ ш.б., ААТ GABA – $45,4 \pm 4,9$ ш.б., ААТ DA – $46,9 \pm 4,9$ ш.б., ААТ SER

– 56,2±4,6 ш.б., ААТСНЛ - 33,9±3,3 ш.б., ААТ волтажга боғлиқ бўлган Са-каналнинг ўзига хос антигеномининг боғлиқлиги - 45,9±4,2 ш.б. Иммунологик тадқиқот натижаларини баҳолаганда, беморларнинг иккала гуруҳи ҳам назорат гуруҳидан ўрганилган иммунологик параметрларнинг даражаси ва ўзгарувчанлик даражаси бўйича фарқ қилишлари аниқланди. Бундан ташқари, нейротроп оқсилларга нисбатан ААТ ҳолатида бўлганидек, иммунитет бузилишининг табиати бевосита инсультдан кейинги деменциянинг мавжудлигига боғлиқ (2-жадвал).

2-жадвал

Инсультдан кейинги деменцияда ИИ беморларда нейромедиаторлар зардоб антитаначаларининг даражаси

Кўрсаткичлар	1 гуруҳ (n=35)	2 гуруҳ (n=39)	назорат (n=16)	1 ва 2 гуруҳ	1 гуруҳ ва НГ	2 гуруҳ ва НГ
СНЛ-холин	46,7±4,9	162,9±5,3	33,9±3,3	<0,001	<0,05	<0,001
GLU-глутамат	73,8±5,3	98,1±8,8	57,2±4,9	<0,05	<0,05	<0,001
GABA- ГАМК	53,7±5,4	71,8±4,7	45,4±4,9	<0,05	>0,05	<0,001
